



2019 йил 12 июнь

№ 258/5-қо

Термиз шаҳри

Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни ижросининг таъминланишини ўрганиш ва муҳокама қилиш тўғрисида.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сатторов Норкуват Усановичнинг Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни ижросининг таъминланишини ўрганиш ва муҳокама қилиш тўғрисида маърузасини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сатторов Норкуват Усановичнинг Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни ижросининг таъминланишини ўрганиш ва муҳокама қилиш тўғрисида маърузаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Термиз шаҳри ва туманлар ҳокимликлари:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси бошлиқлари ҳамда Термиз шаҳри ва туманлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида жамоатчилик назоратини юритиш учун вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот ва корхона раҳбарлари алоҳида Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини шакллантириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларининг масъулиятини ошириш, бу борада давлат инспекторлари билан доимий равишда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Термиз шаҳри ва туманлардаги хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли хонадонларида ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни шаҳар “Bio Techno Eko” МЧЖ “Тоза ҳудуд” ДУК томонидан олиб чиқиб кетилиши бўйича кўрсатилаётган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Санитария жихатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 765-сонли қарори асосида оммавий шартнома расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш юзасидан

Мажбурий ижро бюрolari, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш;

Дарахт барглари хазонлари, сомон поя қолдиқларини ва чиқиндиларни ёқмаслик, чиқиндиларни очиқ сув ҳавзалари қирғоқларига ҳамда белгиланмаган жойларга ташламаслик бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳалла ҳузуридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларининг фаолиятлари самарадорлигини ошириш юклатилсин.

3. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатларига:

мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажаришга масъул бўлган тегишли ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар устидан депутатлик назорати ўрнатиш ҳамда белгиланган тартибда амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тегишли доимий комиссия йиғилишларида кенг муҳокама қилиб бориш;

ўз сайлов округларида аҳолининг экологик маданиятини ошириш юзасидан кенг тарғибот ишларини амалга ошириш, мазкур йўналишда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини тушунтириш тавсия этилсин.

4. “Сурхон тонги” ва “Заря сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (Р.Раҳимова) аҳолининг экологияга оид билим ва маданиятини янада юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказиб, ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Сатторов Норқуват Усанович ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Амиров зиммаларига юклансин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиқов